

Гуноҳдан эҳтиёт бўлинг!



08:00 / 12.03.2020 2588

Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Мен бир гуноҳ қилиб қўйиб, беш ой қиёмул лайлдан маҳрум бўлдим».

Музоҳим ибн Зуфардан ривоят қилинади: «Суфён Саврий бизга шом намозини ўқиб берди. «Фотиҳа» сурасининг **«Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз»** оятига келганида йиғлаб юборди ва қироатдан тўхтаб қолди. Кейин яна «Фотиҳа» сурасини бошидан қайтариб ўқиди».

Вакийъ раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Ҳайит куни Суфён Саврий билан кўчага чиқдик. Шунда у: «Бугун энг биринчи қиладиган ишимиз кўзни пастга қаратишдир», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан